Respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiya to‘plami ID: TIB-2026.10 - 002

TIBBIYOT Tezis

БОЛАЛАРДА ГИРШПРУНГ КАСАЛЛИГИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Шукруллоев Фаёзжон Зокиржон ўғли
Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон
https://orcid.org/0009-0001-1431-409X

АННОТАЦИЯ

Тезисда болаларда Гиршпрунг касаллигининг ривожланиш механизмлари, эрта ташхислаш усуллари ва жарроҳлик даволаш тактикасига оид замонавий ёндашувлар халқаро клиник тавсиялар асосида ёритилган. Тўғри ичак биопсияси ташхисни тасдиқловчи асосий усул эканлиги, трансанал ва миниинвазив радикал операциялар афзалликлари ҳамда касалликка хос энтероколит хавфини назорат қилиш аҳамияти кўрсатилган. Эрта ташхис ва босқичма-босқич ёндашув асоратлар ва узоқ муддатли функционал бузилишлар сонини камайтиради.

ABSTRACT

This thesis outlines the pathogenesis, early diagnostic methods and current surgical management approaches to Hirschsprung disease in children based on international clinical guidelines. Rectal biopsy is shown to be the key confirmatory method, and the advantages of transanal and minimally invasive pull-through procedures and the importance of controlling Hirschsprung-associated enterocolitis are emphasized. Early diagnosis and a stepwise approach reduce complications and long-term functional disorders.

Калит сўзлар: Гиршпрунг касаллиги, аганглиоз, тўғри ичак биопсияси, трансанал операция, энтероколит, болалар.

KEYWORDS: Hirschsprung disease, aganglionosis, rectal biopsy, transanal pull-through, enterocolitis, children.

Тадқиқот мақсади.

Болаларда Гиршпрунг касаллигини эрта ташхислаш ва жарроҳлик даволашнинг замонавий тамойилларини илмий адабиётлар ҳамда халқаро тавсиялар асосида таҳлил қилиш, амалий ёндашувнинг оптимал йўналишларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари.

Гиршпрунг касаллигининг патогенези, ташхиси ва жарроҳлик даволашига бағишланган халқаро клиник тавсиялар (ERNICA) ва шарҳли мақолалар адабиётлар таҳлили, қиёсий ва мантиқий таҳлил усулларида ўрганилди.

Натижалар ва муҳокама.

Гиршпрунг касаллиги дистал ичак деворининг интрамурал асаб чигалларида ганглиоз ҳужайраларнинг туғма йўқлиги билан тавсифланади; бунга эмбрионал даврда нейрал тож ҳужайраларининг миграцияси, пролиферацияси ва дифференцировкасининг бузилиши сабаб бўлади, касаллик генетик омиллар билан чамбарчас боғлиқ (Heuckeroth, 2018). Касаллик тахминан 5000 та тирик туғилган чақалоқдан бирида учрайди ва ўғил болаларда кўпроқ кузатилади. Клиник жиҳатдан у янги туғилган чақалоқларда мекониянинг кечикиб

ажралиши, қорин дам бўлиши, ўт аралаш қусиш ва ичак тутилиши белгилари билан намоён бўлади, кечроқ ёшда эса сурункали қабзият кузатилади. Ташхисни тасдиқлашда асосий усул — тўғри ичак шиллиқ ва шиллиқ ости қаватидан олинган биопсия материалини гистологик ва гистохимик (ацетилхолинэстераза, калретинин) текшириш бўлиб, ганглиоз ҳужайраларнинг йўқлиги ва гипертрофияга учраган асаб толаларининг аниқланиши ташхисни белгилайди; контраст рентгенография эса зарарланган сегмент узунлигини баҳолашда ёрдам беради (Haricharan, Georgeson, 2008; Kyrklund ва ҳаммуал., 2020). Жарроҳлик даволашнинг асосини аганглионар сегментни олиб ташлаб, соғлом ичакни анал канал соҳасига туширишга қаратилган радикал операциялар (Сенн, Дюамель, Соаве усуллари ва уларнинг модификациялари) ташкил этади. Ҳозирги кунда трансанал ва лапароскопик ёрдамчи усуллар қорин деворига жароҳатни камайтириши, тикланиш даврини қисқартириши билан афзал саналади, ERNICA тавсияларида эса ташхис қўйилгандан сўнг тўғри ичакни ювиш ва декомпрессия орқали ҳолатни барқарорлаштириш, операция вақтини эса бемор ҳолати ва марказ тажрибасига кўра танлаш таъкидланади (Kyrklund ва ҳаммуал., 2020). Касалликка хос энтероколит операциядан олдин ҳам, кейин ҳам ҳаёт учун хавфли асорат бўлиб қолади, шу сабабли ота-оналарни огоҳлантириш ва эрта аломатларни ўз вақтида аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Хулосалар.

Гиршпрунг касаллигида ташхисни эрта тасдиқлаш, тўғри ичак биопсиясини ўз вақтида ўтказиш ва марказлашган тарзда мультидисциплинар ёндашувни қўллаш даволаш натижаларини яхшилайди. Трансанал миниинвазив усуллар, энтероколитнинг профилактикаси ва операциядан кейинги узоқ муддатли кузатув ичак функциясини тиклашда ва ногиронлик хавфини камайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Kyrklund K., Sloots C.E.J., de Blaauw I., et al. ERNICA guidelines for the management of rectosigmoid Hirschsprung's disease // Orphanet Journal of Rare Diseases. – 2020. – Vol. 15. – Article 164.

2. Heuckeroth R.O. Hirschsprung disease — integrating basic science and clinical medicine to improve outcomes // Nature Reviews Gastroenterology & Hepatology. – 2018. – Vol. 15, No. 3. – P. 152–167.

3. Haricharan R.N., Georgeson K.E. Hirschsprung disease // Seminars in Pediatric Surgery. – 2008. – Vol. 17, No. 4. – P. 266–275.